

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2023-yil 12-oktabr, payshanba

№ 42 (9258)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

БУХОРО ВИЛОЯТИ

НАФАҚАТ ИЧКИ БОЗОРГА, БАЛКИ ХОРИЖДАГИ БУЮРТМАЧИЛАРГА ҲАМ МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИЛМОҚДА

Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилояти Когон шаҳрида маҳсулот экспорти кўрсаткич прогнози 2022 йил якунлари бўйича белгиланган 2 миллион 261 минг доллар ўрнига 3 миллион 572 минг долларга бажарилган, яъни бу борадаги режа 158 фоизга етказилган.

Маҳсулот экспорти билан шуғулланаётган корхоналарга кўмаклаштиш мақсадида "Akbarjon Barakat" МЧЖ томонидан 700 минг доллар миқдоридagi банк кредит маблағи ҳисобидан ишлаб чиқаришга зарур хом ашё, яъни Қозоғистон республикасида 2500 тонна бугдой олиб келинган.

— Фаолиятимизнинг 1,5 йиллик даврида элимиз дастурхони учун ҳар бири 50 килограмга тенг бўлган, рангли қопларда қадоқлаб чиқарилаётган "Volidam", "Nur", "Parvona" брендига мансуб биринчи навли унимиз аллақачон ўз хариддорларини топди, — дейди "Akbarjon Barakat" МЧЖ раҳбари Амирбек Бозоров. — Мазкур лойиҳага келсак, бир неча йил бурун Когон шаҳрининг

Ҳўжа барги кўчаси ёқасида, бўш ётган ердан 5,9 гектари ўз тасарруфимизга олиб, қурилиши бошланган. Бунинг учун бизни "Қишлоққурилишбанк" вилоят филиали 2 миллион доллардан зиёд имтиёзли кредит маблағи билан қўллаб-қувватлаган. Бу сармоёга бугдойни қабул қилиш тарозихонаси, қайта ишлаш цехи, омборхона, қўшимча цехларни қуриб битириб, зарур ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозладик. Ишлаб чиқариш қувватини оширганимиз ҳисобидан ишчи сонини кўпайтириб, 70 нафарга етказдик. Улар кучи билан кунига 120 тонна сара бугдойни қабул қилиб, қайта ишлаяпмиз. Бу дегани, кунига 75-80 тонна атрофида биринчи ва иккинчи навли урни қадоқлаб сотувга чиқараёт-

ган бўлсак, иккиламчи маҳсулот сифатида кепак, яна бугдой қилинган маҳаллий чорвадорлар, майда шохли мол боқадиган хўжаликлар учун озуқа бирлигини тайёрлаб етказиб бермоқдамиз.

Маҳсулотнинг харидор-гирлиги ишлаб чиқаришга йўналтирилаётган хом ашёнинг саралиги ва таъминотида, албатта, "Akbarjon Barakat" МЧЖ вилоятдаги агрокластерларда етиштирилган маҳаллий бугдой ҳосилини биржа савдолари орқали харид қилиши бора-бариди кўшни Қозоғистон Республикасида оқори сифатли бугдой олишни йўлга қўйган. Маҳсулот ҳажми оширилаётгани билан бирга, ун комбинати юқори унумли замонавий технология таъминотида Туркия давлатининг



"Gimach" компанияси билан ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик ўрнатган. Бир неча ойдири, мазкур 7 миллион долларга тенг бизнес лойиҳа амалиёти устида иш бора-бариди кўшни Қозоғистон Республикасида оқори сифатли бугдой олишни йўлга қўйган. Маҳсулот ҳажми оширилаётгани билан бирга, ун комбинати юқори унумли замонавий технология таъминотида Туркия давлатининг

ун корхонаси яна қўшимча 50 нафаргача маҳаллий фуқарони иш билан таъминлашни мақсад қилган. Бу ишчи кучи воситасида кунига қайта ишланадиган бугдой маҳсулоти 200 тоннага етказилиши кўзда тутилган. Комбинатда иккиламчи маҳсулот сифатида чорва озуқасига талаб ва эҳтиёж ошиб бораётганини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқариладиган бугдой қилиги ва кепак ҳажмини кунига 125 тоннага етказиш мўлжалланган. Бу озуқа нафақат қўй-эчкичилик хўжалиқлари, балки балиқчилик, паррандачилик, қўёнчилик ва бошқа тармоқларда

ҳам жуда асқатади. — Икки йилдири, ун комбинатида ишлаб, операторлик пультаини бошқараман, — дейди "Зиробод" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Наврўз Хусенов. — Айни пайтда Туркиянинг "DEGRA Miltex" русумли дастгоҳида ишлаяпмиз. Бизга қулайлиги, аввало, уйимизга яқин бу корхонадан олаётган ойлик маошимиз 5 миллион сўм атрофида. Шу даромадимиздан оиламизни боқиб, орзу-ҳавасимизни кўраяпмиз. Ишчилар учун тушлиқда иссиқ овқат ҳам берилади.

Фаолият бошлаганига ҳали икки йил ҳам тўлмаган мазкур корхона ишлаб чиқариши модернизациялаштириш туфайли нафақат ички бозорга, балки чет элдаги буюртмачиларга ҳам маҳсулот етказишга киришган. Масалан, шу кунга қадар кўшни Афғонистон Республикасида 1 миллион долларга тенг қийматдаги 2,5 минг тонна юқори сифатли ун маҳсулоти экспорт қилинган.

Зариф КОМИЛОВ, ЎЗА мухбири.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

МАРРАНИ БАЛАНД ОЛГАН ФЕРМЕР

Бароқсой кенгликларига туташ даланинг пастки қисмида узоқдан яшиллик кўзга ташланади.

Лалмикор заминга ёндош бу майдондаги экинлар Пастдаргом туманидаги Мевали массивига қарашли "Меркурий юлдузлари" фермер хўжалигига тегишли. Далада теримнинг биринчи босқичи якунланибди. Шу боис, раисга савол билан юзландик.

— Режа бажарилдими? — Режа доим бажарилади. Марраимиз сал узоқроқда, — деди кулиб у киши.

Бу гапнинг маъносини суҳбат асосида тушундик. Фермер ихтиёридаги 46,1 гектар майдонда асосан, пахта ва галла етиштирилади. Очиги, унча катта бўлмаган бу майдонга қир, тепаликлардан "айланган", қарийб 10-15 километр масофага чўзилган ариқдан сув олиб келиш ниҳоятда машаққат. — Бу ерда 4 та оила меҳнат қилади, — дейди фермер Камолиддин Бекназаров. — Хамфир, хаммаслак бу оилаларнинг асосий даромади ҳам шу ердан. Ернинг 17,1 гектари суғориб ҳайдалади, қолгани лалмикор.

Таъкидланишича, жорий йил 10 гектарда галла етиштириб, харажатлардан ташқари 50 миллион сўм соф фойда олинди. 7 гектарда гўза парваришланган. Лалмикор ер бўлишига қарамай, ҳосилдорлик 30 центнерни қоралабди.

— Олиннадиган даромад ҳисобига далада ишлаётганлар манфаатдорлигини

тўлиқ таъминлаш мумкинми, сўраймиз фермердан иккиламчи.

— 1 миллион 200 минг сўмдан маош белгиланган. Галла режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 3 тоннадан бугдой ажратилди, — деди у киши нарироқда техникаси моторини ўчириб, яқинлашган йилгига имо қилиб. Илгидики, юқоридаги саволга меҳнат қилаётган жавоб бергани маъқул.

— Қишлоқда маош муҳим эмас, — дея саволга изоҳ берди механизатор йигит. — Асосий даромад чорва, деҳқончиликдан. Галладан кейин чорвамига кераклича ем-хашак, рўзғор учун озиқ-овқат маҳсулотлари экамиз. Қолаверса, йил якуни билан раис ҳар қайси оилага ўз ҳисобидан қўй-қўзи ҳам келиш ниҳоятда машаққат. Буларнинг бари пулга чақилса, даромад нолийдиган эмас. Раиснинг "биримизни икки" қилиш учун режалари ҳам кўп. Йилдан-йил хўжалик қаддини ростилади. Бундан биринчи навбатда биз, ишчилар манфаатдор...

Экинзордан сал нарида лалмикор ернинг ҳар ерида яшил бўлган ниҳоллар кўзга ташланади. Биллишимизча, 1100 туп "Гигант Самарқанд" навли ток кўчатлари экилибди. Ток қаторларига ёндош тизилган 1200 туп тўт кўчатлари парваришига ҳам эътибор ниҳоллар ривожидан кўриниб турибди.

(Давоми 4-саҳифада)

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ИШБИЛАРМОН ОДАМ ҲАМ ҲАЁТДА

Сурхондарёлик ирригатор ва мелиорация ходимлари моҳир тадбиркор Неъмат Иргашевни ишчан раҳбар сифатида яхши билишади ва "бизнинг яқин ёрдамчимиз", дея ҳурмат қилишади. Чунки Неъмат ака бошлиқ "Фахриддин" МЧЖ бунёдкорлари 18 йилдан бери вилоятдаги ирригация ва мелиорация объектларида иш бажармоқда.

Бепоев даладар, мевали боғлар ва тоқзорларни сув билан таъминлайдиган канал, шоҳриқ, ариқларни лойқа чикиндилардан тозалаш, экинларни суғориш жараёнида ерга сингадиган зах сувларини қочириб олиш таъмирлаш бир қарашда жўн ишдек туюлади. Лекин соҳани тушунадиган мутахассис бўлмаса, ишни эплаш қийин. Неъмат Иргашев Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини битирган. Меҳнат фаолиятини собиқ "Сурхонирстрой" трестининг Жарқўрғон туманидаги кўчма жамланмасида оддий мутахассисликдан бошлаб, раҳбарлик даражасигача бўлган машаққатли йўлни собиқ ўтган. Анча вақт оқил ва доно Мамаюсуф Холбоев, Нурқобил Турдиев каби тажрибали мутахассислар билан ёнма-ён ишлаб, соҳанинг сир-асрорларини пухта эгаллаган. Мамлакатимизда хусусийлаштириш бошланганда бошқа ташкилотлар қатори у меҳнат қилган кўчма жамланма ҳам тугатилди. Неъмат ака ўзини четга тортмади. "Ишни ташкил қилиш шакли ўзгаргани билан деҳқон бор экан, заминда зироат ўстириш давом этади, ирригация ва мелиорация тармоқларини тозалаш, таъмирлаш-тиклашга эҳтиёж сезилади", деб тадбиркор

бўлиш ҳаракатида тушди. 2000 йили "Фахриддин" хусусий фирмасини очди. Ишбилармон одам узоқроқни кўзлайди. Бепарво, лоқайд шахсларга нисбатан бир қадам олдин юради. Неъмат ака ўзининг, ака-укаларининг сармоёси ҳамда биз билан ҳамкорликда, аукцион савдолари орқали тугатилган корхоналарнинг яроқли техникаларини сотиб олди. Ушанда у, бу техникалар вақти-соати келиб жуда катта наф келтиришини чамалаганди. Ишчан, ғайратли, қўлида хунари бор мутахассисларни корхонасига чорлаб, дастлаб шартнома асосида кичик-кичик объектларни таъмирлаш билан шуғулланди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай республикамизда ирригация ва мелиорация тармоқларини тозалаш, таъмирлаш-тиклашга ҳуқуқат томонидан эътибор кучайди, маблағ ажратила бошланди. Чунки узоқ йиллар мобайнида асосан бир хил экин — гўза ўстирилверганидан заминнинг мелиоратив ҳолати издан чиқиб унумдорлиги пасайган, анчанам бери тозаланмаган канал, шоҳриқ, зовурлар лойқаю ҳар хил чикиндиларга тўлиб, ер ости сизот сувлари кўтарила бошлаган, заминда шўрланиш кучайган, ўстирилайдиган зироатлар ҳосилдорлиги камайиб кетганди.

(Давоми 2-саҳифада)

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

ВОДИЛИНИНГ АСЛ МИРИШКОРИ

Раҳмонли ота иссиқхоначиликдаги дастлабки фаолиятини 1977 йил, Қишлоқ хўжалиги университетининг мевасабзавот соҳасида ўқиб юрган пайтлари Фарғона вилоятининг "Бешбола" кўп блокли иссиқхонасида бошлаганди.

1980 йил ўқишни битириб, 2 йил ҳарбий хизматни ўтади. Хизматдан қайтгач, аввал Фарғона консерва заводига, кейин собиқ "Ленин" колхозига ишлади. Сўнгра Қирғизистон Республикасида 20 йил давомида асосан деҳқончилик ва помидор етиштириш билан шуғулланди. 2010 йили ватанга қайтгач, 2011 йили ўз уйда иссиқхоначиликни йўлга қўяди. Дастлабки йили сабзавотчилик билан шуғулланган Раҳмонли Якубов кейинчалик 400 минг сўмга 20 туп апелсин кўчатларини

сотиб олиб, иссиқхонага ўтказди. Дарахтлар мевага киргунгача, яъни уч йил давомида эгитларда саримсоқ ва турли экинларни экиб, мўл ҳосил етиштиради. Мана 7 йилдири, дарахтларнинг ҳар бири 50 килограм атрофида ҳосил бериб, Раҳмонли ота йилига апелсиннинг ўзидан ўртача 30 миллион сўм даромад қилади. Бозорда бу апелсинлар чет элликдан ҳам талабгир, чунки Водилининг меваси қозғоғ ёрлик эмас, эндигина бандидан узилганлигининг исботи бўлиши табиий барги билан

расталарни тўлдириб туради. Кўпчилик миришкорларимизга маълумки, самарадор ҳосилни етиштириш учун апелсинни унинг ёввойи кўчатига пайванд қилиш керак. Яхши пайвандтагининг етишмовчилиги туфайли қаҳрамонимиз лимонга апелсинни пайванд қилиш орқали унинг иқлим шароитимизга янада чидамли ва сервус турини ихтиро қилган. Унинг мазаси эса Италиядан Раҳмонли отанинг олдига келган сайёҳни ҳам ҳайратда қолдирган.

(Давоми 2-саҳифада)

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

"Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир", "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", "Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак"... Президент Шавкат Мирзиёевнинг элимиз қўлидан чуқур жой олган бу сўзлари бугун мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислохотларни ҳаракатлантирувчи қудратли кучга, таъбир жоиз бўлса, уларнинг ғоявий ўзагига айланди.

Халқимизнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, одамларимизни рози қилиш йўлидаги залворли ишлар айнан ана шундай эзгу ва ҳаётбахш ғоялар асосида олиб борилади, тобора янги маъно ва мазмун билан бойиб бормоқда. Бундай тарихий ўзгаришлар силсиласида халқ билан мулоқот қилиш, муносабатлар билан ишлаш бўйича тамомла янги тизимга асос солингани, халқаро микёсда ноёб тузилма сифатида кенг эътироф этилаётгани қувончлидир.

Халқ қабулхоналари халқимизнинг неча йиллик орзу-

ИШОНЧ ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

армонларини ушалтириш мақсадида ташкил этилган боис ҳам фуқароларимиз ҳаётдан, мамлакатимизда кечаётган янгиланишлар жараёнидан тез фурсатда ўзининг муносиб ўрнини топди. Ҳар бир ҳудуд ва соҳадаги реал манзарани, асл ҳолат ва мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал қилиш йўлида янги ғоялар, амалий таклиф ва ташаббуслар юзга келадиган, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқариладиган марказларга айланди.

Давлатобод тумани аҳолиси-дан Президент виртуал ҳамда Халқ қабулхонасига жорий



йилнинг 1 октябрь ҳолатида 3112 нафар жисмоний ва юридик шахсдан 4031 та масалага оид мурожаат келиб тушган. Шундан 911 таси юқори ташкилотларга юборилган. 21 таси Президент Администрацияси назоратига ўтказилган. 16 таси Халқ қабулхонасига кўриб чиқилган. 3033 таси ҳудуддаги ташкилотларга юборилган. 3083 таси Халқ қабулхонаси назоратига олинган. 2023 йилда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига ёрдам кўрсатиш, келиб тушган мурожаатларнинг жойида ўрганилиши ва ижобий ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида "маҳал-



лабай" ўрганишлар ўтказилиб, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, оғир маийий шароитларда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парвариш қилаётган оилалар рўйхати шакллантирилди.

Мазкур оилалардаги муаммолар бартараф қилинишини таъминлаш мақсадида, Халқ қабулхонаси, сектор раҳбарлари ҳамда ҳомийлар кўмагида янги уй-жойлар қуриш ҳамда таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Жумладан, Давлатобод тумани "Юқори Ғирвон" маҳалла фуқаролар йиғини О.Хамидов кўчасида яшовчи, 1955 йилда туғилган, турмуш ўртоғи, болалари билан кетиб қолган Муллабаев Қодирхоннинг ёлғиз яшаб келаётганлиги, яшаш уйи таъмирталаблиги аниқланиб, 1-сектор раҳба-

ри ҳамда ҳомийлар кўмагида уй-жойининг том қисми қайтадан янгиланиб, ички ва ташқи фасадларини таъмирлаш ишлари олиб борилмақда.

Ҳудуд ташкилотлари, юқори ташкилотлар ва Халқ қабулхонаси томонидан кўриб чиқилган мурожаатларнинг ижобий ҳал этилганлиги юзасидан фуқаролар қисми Президентини номига кўплаб миннатдорчиликлар билдирилган. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, аҳолининг Президент виртуал ва Халқ қабулхонасига ҳар бир мурожаати ижобий ҳал этилишига эришилмоқда.

Соҳибжон ҲАМИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлатобод туманидаги Халқ қабулхонаси мудир.

У дастлабки кунлардан бошлаб тахририят ибораси билан айтганда, газетани мақолаларга тўлдирди

Ҳа, Хусан Темиров катта журналист. Бу таъриф шуниси билан ўзини оқлайдики, у тележурналист сифатидаям, босма оммавий ахборот воситаси ходими сифатидаям самарали фаолият юритган ва фаолият юритиб келмоқда. Мен бу ҳамкасбимизни Қашқадарё вилояти Телерадиокомпанияси раҳбари сифатидаги фаолиятдан, унинг футбол мусобақалари шарҳларидан яхши билардим. Унинг ўзига хос шарҳи футбол мухлисларининг ҳамон ёдида. Яхши эслаймиз, илгари ҳар бир футбол шарҳловчисининг ўзига хос шарҳлаш йўли, ҳатто ўзигагина хос овози бўларди ва мухлислар ҳам шундай ўзига хосликни хуш кўрарди. Айтайлик, Хусан аканинг ҳам баланд, бироз хириллаш овози ва баён этиш услубини бугун ҳам дарров таниб олишади.



ХУСАН АКА КАТТА ЖУРНАЛИСТ

Вилоятнинг бундан беш-ун йил аввалги ҳокими Зафар Рўзиев Хусан акага хос овозни катта йиғилиш пайтида шундай изоҳлаганди: "Болалигимизда радиода Хусан аканинг футбол шарҳини эшитардик. Хусан ака "ГОООО!" деганларида деворда

осиғлик турган эски қолипдаги радионинг чанги кўтарилиб кетарди." Бу ҳазилда самимий баҳо бор. Хусан Темиров юртимиздаги санокли футбол шарҳловчиларидан бири сифатида тан олинарди. Шунинг учун бўлса керак, ҳозир ҳам Қаршида бўладиган ҳар бир ўйинда Хусан аканинг майдон узра овози янграйди. Бир гал Қаршида халқро ўйин бўладиган куни сафарда эдим. Хусан ака билан шу ўйинга стадиондан туриб кўришга бордик. Майдон атрофида одам тикилиб кетган, тикилинчда киришининг иложини йўқ. Менку, майли, аммо, Хусан ака албатта кириши керак. Чунки у стади-

он суҳандони. Шунда одамларнинг киришини назорат қилаётган ички ишлар ходимларидан бири бизни одамлар орасидан йўл очиб киритишга ҳаракат қилди. У йўл очмаётганларга қарата мурожаат қилди: "Эй, сизлар бугун "Насаф"нинг гол уришини хоҳлайсизларми ўзи?". Одамлар "ха", дея жўр бўлишди. "Унда йўл беринглар, голни эълон қиладиган одам бўлмаса, қайдан гол бўлади", деб ҳазил қилди. Мухлислар ҳайқириб, бироз бўшашганда у бизни киритиб юборди. Шунда "Насаф" ғалаба қилганди. Устоз журналист Аҳмаджон Мелибоев футбол шарҳловчилари-

мизнинг баъзи бир хато гапларидан жаҳли чиққанида "Бундай савиясиз шарҳ билан ютиб бўладими, ютқазимизга шулар айбдор", дерди баъзан. Бу гаплар ҳазил, аммо шарҳловчи футбол мухлисининг ҳолатини тушуниб туриши керак. Тез шарҳлаганда футболчилар улгурмай қолади, деган ҳазил ҳам бор. Бу гаплар нега керак шу тобда? Хусан аканинг муносиб шарҳловчи эканлигини далиллаш учун керак, албатта.

Фаолиятининг "Қишлоқ ҳаёти" газетаси билан боғлиқлиги Хусан ака билан янада яқинроқ танишиш имконини берди. Яъни, унинг фаолиятида "газета мухбири" деган изоҳнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлди. Тўғриси, узоқ вақт давомида телерадио соҳасида ишлаган, шу йўналишга ўзини бутунлай мослаштирган ва унинг катта бир тизимининг раҳбари бўлиб

ишлаган одамнинг босма нашрга нечоғлик мослашиши ўйлаб кўриладиган масала эди. Бунинг устига у шу дамлардаям вилоятнинг катта бир спорт ташкилотидан раҳбар эди. Унга биз томондан бериладиган вазифанинг номи эса "вилоят мухбири". У бу вазифани кўнгилдагидек қилиб бажариш учун катта бир воҳанинг у бурчидан бу бурчига тинмай елиб-югуриши, яна газета учун туни билан мақола ёзиши лозим эди. Унинг шу вақтгача бажарган вазифалари ва унга мослашганлиги, ёшиям анчага бориб қолганлиги бу ишларга киришиб кетишига йўл берадими, йўқми, унинг ишлаб турган вазифасидан чапгитиш ўзини оқлайдими, йўқми, деган ўй бор эди бизда аввалида. Унинг ўзи билан шу нарсалар ҳақида гаплашганимизда, газетادا ишлаш нияти қатъийлигини билдирди. Ва айна пайтда вилоят ҳоқими Нуриддин Зайниев номидан газетادا вилоят ҳаёти етарли даражада ёритилмаётганлигидан куюниб ёзилган ва шу вазифани бажаришга Хусан Темиров номзоди таклиф этилган хат келди. Биринчидан, Хусан аканинг журъати, иккинчидан, ОАВга доимо ҳамкорлик таклифи қилиб келган раҳматли Нуриддин Зайниевнинг таклифи барча мулоҳазаларимизни четга сурди. Хусан аканинг газетادا вилоят мухбири сифатидаги илк ҳафтадаги фаолияти эса газета узоқ вақтлардан буён вилоят мухбирига ёлчимай келаётганлигига барҳам берилганлигини далиллади. У дастлабки кунлардан бошлаб тахририят ибораси билан айтганда, газетани мақолаларга

тўлдирди. Шу пайтдаги энг қулай деб ҳисобланган телефакс воситамизнинг фиртиллаши тинмай қолди. Хусан ака катта ҳажмли мақола ёзади. Бунинг устига қўлда катта-катта ҳарфларда ёзади. Бошқалардан келган мақолалар варақларда тахланиб олиб кирилса, унинг мақоласини рулон қилиб олиб кирарди котибамиз. Бу ўз-ўзидан вилоят ҳаётининг мамлакатимиз бўйлаб кенг ёритилишини таъминлади.

Хусан аканинг фаоллиги билан нафақат вилоят ҳаёти кенг ёритилди, балки тахририят жамоасиям вилоят ҳаёти билан яқиндан танишди. Газета саҳифаларини кузатиб борган вилоят ҳоқими Нуриддин Зайниев яна бизга хат билан мурожаат қилди. Аникроғи, вилоят ҳаётининг кенг ёритилишидан мамнун бўлиб, тахририят ходимлари иштирокида газета кунлари уюштиришни таклиф этди. Вилоятда уч марта "Қишлоқ ҳаёти" кунлари ўтказилди. Бунда биз вилоят раҳбарларининг хайрихоҳлиги билан бир қаторда Хусан Темировнинг ҳам фаоллигини, ташкилотчилигини ҳис қилиб турардик.

Хусан Темировнинг бундай фаоллиги вилоят раҳбарлари томонидан рағбатлантириб турилди. Шунинг оқибати ўлароқ, газетанинг вилоятда ўқувчилари сонини орта борди.

Хусан ака фаолиятдаям, дўсту биродарлар орасидаям катта хурмат-иззатга эга. Биз унга узоқ умр, ўз касбида янада фаоллик, оилавий бахт тилаймиз.

Чори ЛАТИПОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ПОРАНИ ҲАДЯ БИЛАН АДАШТИРМАНГ!

Пора берувчининг қинғир йўллар билан ўз мақсадига эришишга уриниши туфайли ўзгалар ишончининг суистеъмол қилинишига, натижада бундан норози кайфиятдаги қатламнинг вужудга келишига сабабчи бўлади.

Порани "ҳадя", "совға" сифатида берилди", дея ўзини оқлашга одатланганлар адашдилар. Берувчи "кўнгилдан чиқди", "атадик" каби "чиройли" сўзлар билан қабих режаларини амалга оширади. Исломда "ҳадя"нинг аниқ таърифи шуки, бирор инсонга нафи тегиши мақсадида ниманидир (савобдан бошқа ҳеч қандай манфаатни кўзламай) беришидир. Порахўр эса ўз қилмиши билан динига, иймонига, виждонига, ишониб топширилган вазифасига, халқига, энг асосийси "яхшилиқ қиялман", дея оиласи, фарзандларига хиёнат қилаётганини англаб етмайди.

Ачинарлиси, аҳолининг кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган қатламга давлат томондан бериладиган маблағларни ажратишда ҳам айрим мутасадди шахсларнинг қўштирноқ ичидаги ҳадяларга кўз тикиб қолаётгани-

дир. Имом Муслим Адий ибн Умар разияллоху анҳудан ривоят қилинган бир ҳадисда, Расулulloх саллаллоху алайҳи васаллам: "Кимни бирор ишга бошлиқ қилсак ва у игнадек нарсани яширса, Қиёмат куни омонатга хиёнат қилгани учун жавобгарликка тортилади", дедилар. Шунда ал-Ансор қабиласига мансуб қора танли бири киши Расулulloх саллаллоху алайҳи васалламнинг ёнларига келиб: "Эй Аллоҳнинг Расули! Менга топширилган ишиниғизни (закот ва садақа йиғиш вазифасини) қайтариб олинг", деб айтди. Расулulloх саллаллоху алайҳи васаллам: "Сенга нима бўлди?", дея сўраганларида ҳалиги одам: "Сиз шундай-шундай деганинғизни эшитдим", дея юқоридаги сўзини келтиради. Шунда Расулulloх саллаллоху алайҳи васаллам: "Ҳозир яна қайтариб айтаман, кимни бирор ишга бошлиқ

қилсак, озиниям, кўпиниям яширмай олиб келсин. Нимани берсак, уни олсин. Нимадан қайтарсак, уни олишдан ўзини тийсин", дедилар. Динимиз кўрсатмаларида, порахўрлар ва уларнинг разил мақсадли ҳамтовоқлари қилмишидан қайтиб, чин дилдан тавба қилмаса, дунё ва охиратда ниҳоятда оғир жазолар кутиб тургани ҳақида оят ва ҳадислар орқали жиддий огоҳлантирилган.

Хулоса ўзимиздан. Динимизда пора берувчининг ҳам олувчининг ҳам азобга дучор бўлишидаги даражаси баравар. Бу каби ижтимоий-салбий иллатдан халос бўлиш ва уларга қарши курашишда ҳам-жиҳатлик билан ҳаракат қилишимиз лозим.

М. БОБОХЎЖАЕВ,
Норин туманидаги
"Умархўжа эшон"
масжиди имом хатиби.

МАРРАНИ БАЛАНД ОЛГАН ФЕРМЕР

(Боши 1-саҳифада)
50 сотихча жойда тикланган бино 5000 та товуқ боқиш учун мўлжалланган. Пасткамликда темир ва ёғоч таянчлар ўрнатилиб, устки қисмига темир тўсинлар пайвандланаётган 50 сотих майдондаги иссиқхона ҳам қишда маҳсулот этиштиришга деярли тахт. Яна шунча ерда молхона қурилиши ҳам тугалланиш арафасида.
— 10-12 йилдан буён шу ерда ишлаймиз, — дея расм юқорида кузатганларимизни изоҳлади. — Шу вақт давомида пишиб, етилган режаларимизни амалга ошириш



учун энди шароит ҳам, имкон ҳам етарли. Ҳўжалик тармоғини яна 5-6 йўналишга кўпайтирамиз янги йилдан. Чорва молларимиз

етарли. Қолаверса, 100-150 бош қўй-қўзиларни парваришлагга яйллов узқамас. Паррандачилик ортидан хазина топаётганларга ҳавас

билан товухона ҳам қурдик. Шу ишларни ҳам йўлга қўйиб олсак, марра бизники. Чўлқуварлар яна бир муҳим ишга қўл уришибди. Оқар сув анча олис бу ҳудудда юқоридаги ниятлар ижобати сувга боғлиқлигини англаб, замонавий технологиялар асосида сўғоришни йўлга қўйишмоқчи. Йиғим-терим мавсуми охиригача тежамкор томчилашти сўғориш технологиясини молиялаштириш кўзда тутилган. Бу хайрли иш ҳам амалга ошса, фермер ўзи истаган маррага эришишига шубҳа йўқ.

Қиёмжон ЗИЁТОВ,
"Qishloq hayoti"
мухбири.

Реклама

MAXAM - CHIRCHIQ

AMMONIY SULFAT

Маҳсулот сертификатланган
№ UZ. SMT.01.080.65533977
GOST 9097-82

Манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2-уй.

Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.
Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chirchiq.uz
www.maxam-chirchiq.uz

Эълон

Никонорова Светлана Николаевна номига 1993 йил 15 январда 06-02/5679 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.
Абдуллаев Баходир Абдурашидович номига 1993 йил 17 февралда 09-02/5516 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамаси комплекс таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Тахрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛАЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ - 144. Бюролма Г-1040. 1290 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона - (0-371) 236-26-50, 233-09-93,
95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар - (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоиси келишилган нарҳда.

Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 17.00